БАДИИЙ АСАРДА ЭПИСТОЛЯР НУТҚ ШАКЛИ

Й. Солижонов

Мақолада бадиий нутқ шаклларидан бири – монологнинг овозсиз (ички) турига мансуб бўлган эпистоляр шаклнинг ранг-баранг кўринишлари, мақсади ҳамда вазифалари сўнгги йиллар ўзбек адабиёти намуналари мисолида ёритилади.

Калит сўзлар: *бадиий нутқ, монолог, хат, мактуб, эпистоляр шакл, маъно, адресат .*

В статье на примере произведений узбекской литературы последних лет рассматривается одна из форм художественной речи – эпистолярная речь, её разнообразные типы, их цель и функции.

Ключевые слова: *художественная речь, монолог, письмо, послание, эпистолярная форма, мысль, адресат.*

This article offers a new classification of art speech, and scientific reseurch offers us the type and new forms, aims, task. of silent form of monolog,which is Shown by the examples, taken from the novels.

Key words: *art speech, monolog, letter, message, apistolar form, idea, addressee.*

Сўнгги йиллар ўзбек адабиётида кенг қўлланаётган бадиий нутқнинг эпистоляр шакли асар композициясини ташкил этиш ва сюжетни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. “Эпистоле – юнонча сўз бўлиб, *хат, мактуб, нома*” маъноларини билдиради. Мазкур нутқ шаклининг илк намуналари қадимги Юнон, Рим ва Шарқ адабиётида кўплаб яратилган. Ҳозирги ўзбек адабиётида бу шаклда ёзилган асарларнинг энг яхши намунаси А.Иброҳимовнинг “Уйқу келмас кечалар” романидир.

Кўплаб адиблар ўз ғоявий ниятларини илгари суриш, қаҳрамонларнинг ички дунёсини чуқурроқ очиш ниятида бу нутқ шаклига мунтазам мурожаат қиладилар. Бу жиҳатдан Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар”, Омон Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” романлари характерлидир. Хусусан, “Тушда кечган умрлар” романида қаҳрамонларнинг ички ва ташқи монологларидан ташқари ёзувчи нутқнинг *эпистоляр* шаклидан ҳам унумли фойдаланилган. Аслида нутқнинг эпистоляр шакли, М.Бахтин фикрига кўра, «биринчи шахс тилидан ҳикоя қилишнинг кўринишларидан биридир». Эпистоляр усул асар қаҳрамонининг кимгадир йўллаган мактуби шаклида бўлиб, у суҳбатдошига ғойибона мурожаат қилади. “Тушда кечган умрлар” романининг бош қаҳрамони Рустам эса бировга мактуб йўлламайди, ҳеч кимга мурожаат ҳам қилмайди. Гарчи Рустамнинг ўзи бу *“Дафтарни ҳеч ким кўрмайди. Ҳеч ким!*

Й. Солижонов *– ФарДУ адабиётшунослик кафедраси профессори, филология фанлари доктори*

Мен уни ҳеч кимга кўрсатмайман” деб аҳд қилган бўлса-да, барибир, бу кундаликлар кимгадир (аввало, биз, ўқувчиларга) мўжалланган. Шу боисдан унинг кундаликларини биз бемалол монологик нутқнинг эпистоляр шаклига мансуб дея оламиз.

Тан олиш керакки, Рустам кундаликлари эпистоляр шакл имкониятларини ниҳоятда кенгайтирган, унинг қобиғини ёриб чиққан. Муаллиф Рустамнинг афғон урушида кўрган-кечирганларини ҳикоя қилиб беришнинг қулай усулини шу шаклда кўрди. Йўқса, адибнинг ўзи Рустам билан биргаликда Афғонистонга бориши, жангларда иштирок этиши керак эди. У ҳолда романга қамраб олинган замон ва макон ғоят кенгайиб, асар композициясининг яхлитлигига путур етган бўларди.

Сўз маъносининг ўзгариши, айниқса, эпистоляр шаклда ифодаланган воқеалар баёнида жуда қўл келади. Эпистоляр шакл сўз имкониятларидан кенг фойдаланиш учун қулайлик туғдиради. Чунки мактубда ўзга (адресат)га мурожаат қилаётган суҳбатдошнинг кескин ҳис-туйғуларини ўзига хос тарзда очиб бериш имкониятлари мавжуд. Зеро, халқимизда “ўзимдан ўтганини ўзим биламан” деган ҳикматли гап бор. Мактуб ҳам худди диалог репликаси сингари маълум шахсга мурожаат шаклида битилар экан, муаллиф унинг акс таъсир имкониятларини, жавоб бера олиш қобилиятини ҳисобга олиши зарур бўлади.

Одил Ёқубовнинг бу борадаги ижодий усули ҳам ибратлидир. У бадиий нутқнинг эпистоляр шаклидан маълум бир ғоявий ниятни кўзлаб фойдаланади. Масалан, «Диёнат» романидаги Нормурод Шомуродовнинг жиянлари Отақўзи, Ҳайдар ва Аброр Шукуровга қолдирган мактублари персонажлар характерининг янгидан-янги қирраларини очади. Бу мактублар ҳам Шомуродовнинг, ҳам адресатларнинг қиёфасини равшан кўрсатувчи кўзгуга айланади. Бу кўзгуда биратўла икки-уч кишининг ҳам ички, ҳам ташқи қиёфаси акс этади. Масалан, домла Шомуродовнинг ўзи Аброр Шукуровга йўллаган мактубида икки қиёфада намоён бўлади. Биринчи қиёфада у асл большевик, ҳақиқатгўй олим сифатида жияни Отақўзининг айбларини тан олади ва уни жазоланишга лойиқ деб билади. Иккинчи қиёфада меҳрибон ва кўпни кўрган тоға тимсолида “кўнглида кири йўқ бу пок ва истеъдодли одам”ни чин дилдан оқлайди ва ҳимоя қилади. Шукуровдан уни эҳтиёт қилишни астойдил ўтинади. Негаки, “бугунги хатолари учун ўтмишда қилган ҳамма хизматларидан кўз юмиш” адолатдан эмас. Ёзувчи ғоясини ифодалашга хизмат қиладиган қаҳрамоннинг бу фикрига бевосита муаллифнинг қарашлари ҳам сингдириб юборилади.

Мактубларда Нормурод Шомуродов даставвал ўзига рўй-рост, ошкора баҳо ҳам беради ва бу баҳо бутун баён бўйлаб муаллиф ҳамда кўплаб персонажлар томонидан берилган таърифларга якун ясайди. Бу полифоник характеристика асосий қаҳрамон қиёфасини янада мукаммаллаштиради. Гап шундаки, гарчи домла бу мактубларида ўзини мутлақо аямасдан “табиатан терс”, “Азалдан дилозор”, “Дийдаси қаттиқ, ўжар” одам деб атаса-да, аслида иллатни англатувчи бу иборалар ўқувчига эриш туюлмайди. Чунки у Нормурод Шомуродов қачон, қаерда, қай вазиятда дилозорлик, терслик, ўжарлик қилиб, кимларга қаттиқ гапирганини билади ва уни кечиради. Демак, бу ибораларда кўпчиликнинг овози бор.

Қаҳрамоннинг ўзлигини англаш жараёнини эпистоляр нутқ орқали ифодалаш услуби О.Ёқубовнинг “Оққушлар, оппоқ қушлар...” романи учун ҳам хосдир. Романнинг асосий қаҳрамонларидан бири Музаффар Фармон қинғир ишлари туфайли товонига қурт тушган пайтда дўсти профессор Расул Нуриддиновга мактуб йўллайди. Бу мактуб энди “Диёнат” романидагидек адресат учун эмас, балки хат эгаси учун кўзгу бўлиб хизмат қилади. Музаффар Фармон ҳам худди Нормурод Шомуродов сингари характерида бўртиб турган иллатларни ўкинч билан тилга олади. Ўқувчи Музаффар Фармоннинг ўзи ҳақида “Мен нодон, молпараст, миясиз эшак (“Эшак бўлмасам, шу ишни қилармидим, бу ишим ўз зурёдимнинг бўйнига сиртмоқ бўлиб тушиши мумкин-ку?”»), юзи қора, тубан бир кимса, нопок, юлғич, муттаҳам, бадбахт” деган ҳақоратомуз баҳоларига ишонади. Чунки бошқа ўринларда ҳам улар ишонарли овозлардан эшитилган эди.

Ҳар иккала қаҳрамон мактуби ҳам уларнинг кечиккан тазаррусидир. Иккови ҳам ўлими олдидан қилмишлари учун узр сўрайдилар. Аммо мазмунан улар ўртасида катта фарқ бор. Бу фарқ ўқувчининг муносабатида сезилади: у Нормурод Шомуродовни доим ҳақиқат учун курашгани ва шу йўлда етказган озори учун кечиради. Музаффар Фармонни эса “бу кунингдан баттар бўл!” дея инкор қилади. О.Ёқубовнинг ўз тили билан айтганда, “Ёзувчининг маҳорати деб, ўз қаҳрамонининг дилини билиши деб мана шуни айтадилар...”.

Ў.Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар”, О.Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” каби романларида нутқнинг эпистоляр шаклидаги сўз кўпроқ хусусий кечинмаларни ифодалаш вазифасига бўйсундирилади. Аммо шунга қарамай, муаллифлар мактубда ишлатилаётган сўзлар зиммасига янгича йўналишдаги маънони юклаш имконини қўлдан чиқармасликка ҳаракат қила-

дилар. Масалан, Рустамнинг уч қисмдан иборат “Кундаликлар”и қаҳрамон ҳаётининг романда ифодаланган уч босқичини кўрсатишга бағишланган. Ёзувчи қаҳрамони атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабатини ишонарли ва энг муҳими, таъсирчан ифодалаш учун эпистоляр шаклга мурожаат қилади.

Омон Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” роман-дилогиясида эпистоляр шакл бошқачароқ вазифани бажаради. Дилогиянинг “Ишқ аҳли” деб аталган биринчи китобининг “Орзу”, “Ҳайрат”, “Армон” боблари ва “Хотима”си асар воқеаларида умуман иштирок этмайдиган Одил исмли ҳисобчи йигитнинг суюклиси Барнога йўллаган 3 та, дўсти Холидга ёзилган битта мактуби билан бошланади. Бу мактублар асар воқеаларини бир-бирига пайвандловчи восита ролини адо этади. Сиртдан қараганда нафақат хат эгасининг, балки тўрттала мактубнинг ҳам романда ифодаланаётган воқеаларга мутлақо дахли йўқдек туюлади. Аммо ана шу мактубларсиз асар сюжетини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки улар айнан романда ҳикоя қилинажак воқеалар битилган яна бир эпистоляр шакл – рассом Абулхайрнинг кундаликлари тўғрисида ахборот беради. Одилнинг хатларидан сўнг Абулхайрнинг кундалиги бошланади. “Буюк фаррош” деб номланган иккинчи китоб эса “Ёзуқ” ва “Туфроқ” деган бўлимлардан иборат.

Роман нутқини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, ёзувчи О.Мухтор ҳам сўнгги йилларда яратган асарларида эпистоляр шаклнинг структураси ҳамда мазмунида талай ўзгаришлар рўй беришига муносиб ҳисса қўшди. Бу нутқ шакли адиб асарларининг сюжети ва композицион қурилмасига узвий сингиб кетганлигига, муаллиф баёнининг тўлақонли аъзоси сифатида воқелик динамикасини ривожлантириш ҳамда характер яратишда муҳим рол ўйнашига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳазрат Навоийнинг ҳаёти ва ижодий йўли тўғрисида ўзига хос маълумотлар бериш, асарларидан таржимаи ҳолига оид факт ва деталларни излаб топиш ҳамда улар устида ҳам бадиий, ҳам илмий мулоҳаза юритиш романнинг асосий ғоявий-эстетик моҳиятини ташкил этади. Роман ўзининг сюжети ва композицион қурилиши, конфликти, қаҳрамонлар характерининг ишланиши жиҳатидан адиб қаламига мансуб бошқа асарлардан жиддий фарқ қилади. Унда кескин тўқнашувлар, О.Мухтор ижодий услубига хос бурама ва шартли эпизодлар ёки сюжет чизиқлари учрамайди. Портрет қарийб йўқ, диалогнинг одатдаги шакли берилмаган, персонажлар нутқи қўлланмайди. У ҳолда нега биз айнан шу романни эпистоляр нутқнинг янги намунаси сифатида танлаб олдик?

Гап шундаки, роман, аввало, бошдан охиригача кундалик шаклида ёзилган. Роман моҳиятини мусаввир Абулхайрнинг Навоий портретини чизиш учун тайёргарлик кўриш жараёнида “Навоийдан кузатганлари, ўйларини турли дафтарларда бетартиб ёзиб борган” мулоҳазалари ташкил этади. Лекин баён бетартиб эмас, унда улуғ Навоийнинг 4-5 яшарлигидан то вафотига қадар бўлган ҳаёт йўли қамраб олинган. Бу ўта зиддиятли, нотекис ҳаёт йўли дафтарларда маълум даврларга бўлинган. Шунга кўра романни Одилнинг тўрт мактуби, рассомнинг еттита дафтардан иборат кундаликларини бир-бирига боғланган 11та диалог-мактубдан ташкил топган дейиш мумкин.

Абулхайрнинг касби санъаткор бўлганлигидан мутахассислиги жиҳатидан ҳам, дунёқараши ва ёши билан ҳам ёзувчи Омон Мухторга тенгдошдир. Кўп ўринларда ўқувчи Навоий асарларининг таҳлил қилинишида рассомдан ҳам кўра кўпроқ шоир ва ёзувчи О.Мухторни тасаввур қилиб туради. Ўзини Навоий портретини чизишга руҳан тайёрлаётган мусаввир Абулхайр суҳбатдошига шундай дейди: “Навоий тўғрисида юзлаб китоблар ёзилган. Аммо кўнглим тўлмади, буларнинг аксарида у тирик одамдан кўра кўпроқ девордаги сувратга ўхшайди”. Аслида эса “У - бир осмон. У - бир уммон. Қамраш қийин!” бўлиб, “Ҳали ҳеч ким Бу Осмон қаърига кўтарилмаган! Ҳали ҳеч ким Бу Уммон тубини кўрмаган!” Ҳикоячи суҳбатдошимиз шоир шеърларини саралаб, уларнинг руҳига кириб, ҳаётий ва хаёлий маъно қидирар экан, ўз мулоҳазаларини шошилмай, ўйлаб, фикр тарозисида тортиб, чуқур мулоҳаза юритиб, шоир ғазалларининг маъноси ва оҳангдаги фарқларини аниқлайди. Айрим ўринларда худди илмий ходим сингари миясига дам бергандай, «хўп» дея бир лаҳза сукут сақлаб олади-да, фикрлашни давом эттиради. Бу романда қўлланилган эпистоляр нутқ шаклининг диалог асосига қурилганлигини яна бир бора тасдиқлайди.

Кундаликнинг 1-дафтаридаги баён кўпроқ савол-жавоб тарзида олиб борилади. Ҳикоячининг ўзи савол бериб, унга ўзи жавоб излайди. Масалан, Навоий чизган “Занжирбанд шер” расмига қараб суҳбатдошимиз биздан “Шер ҳам қачондир занжирга солинганми?”, “Бу шер Алишернинг ўзими?” дея савол ташлайди-да, ишонч билан “Бунга шубҳа йўқ” дейди ва фикрини шоир исмидаги “шер” қўшимчаси билан исботлашга уринади. Мактуб сўнггида эса “Бу қандай занжир? Нима учун у занжирда? Уни занжирга солган ким?” деб сўрайди. Аммо бу саволларни жавобсиз қолдиради. Ўзи жавоб излаб, шеър таҳлилига киришади, мушоҳадага берилади. Шу жараёнда унинг олди-

да янги-янги тугунлар пайдо бўлганлигини таъкидлайди. Ҳикоячининг саволига тегишли жавобни ўқувчи тўртинчи мактубдан олади.

2-дафтарда Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро муносабатлари тўғрисида гап кетади, кўп йиллар мобайнида чигаллаштирилган бу масалага баъзи аниқликлар киритилади. Зеро, “Алишер ҳаётини Ҳусайнсиз тасаввур қилишнинг умуман имкони йўқ!” (26-бет). Навоий ва Бойқаро ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштирувчи кўплаб ривоятлар келтирилади, уларнинг рост ва ёлғонлигини исботлашга уринади. Вақти-вақти билан ҳикоячи лирик чекиниш қилиб, ўзининг оилавий ташвишлари ҳақида ҳам қўшимча ахборот бериб боради. Бу баённинг ҳаётийлигини оширади, унга жон киритади, ҳикоячи-суҳбатдошни ўқувчига яқинлаштиради.

Учинчи дафтар худди шундай – эр-хотиннинг мини-диалоги билан бошланади. Бу мини-диалог романда бирон бир муаммони кўтармайди, шунчаки Навоий тўғрисидаги йирик диалогга туртки вазифасини бажаради, холос. Энди гап Алишернинг ёшлиги, унинг болаликдан шаклланган инсон бўлиб етишуви ҳақида боради. Диалогда Алишернинг ёшлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган “Ўша даврдаги уч ҳолат” қаламга олинади. Бу уч ҳолатнинг ҳар бири Алишернинг улғайишида муҳим босқич ҳисобланган ва бутун ҳаётида чуқур из қолдирган муҳим воқеалардир. Биринчи ҳолат тўрт-беш яшар Алишернинг “Мантиқ ут-тайр” мафтуни бўлиши, иккинчи ҳолат Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин бошланган бесаранжомлик сабабли Ироққа кўчаётган Алишернинг Тафт шаҳрида буюк тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан учрашуви, учинчи ҳолат эса саккиз-тўққиз яшар Алишернинг Ироқдан Ҳиротга қайтишида от устида ухлаб қолиб, бепоён чўлда адашуви, чанқаганда рўпарасида катта идишда кимдир ҳозиргина келтириб қўйгандек “...муздек. Тиниқ. Тоза. Тотли.» сув – мўъжизанинг пайдо бўлишидир. Ҳикоячининг гувоҳлик беришича бу ҳақда на отасига, на биродарларига умрининг охиригача ҳам айт-майди! Ва бу мўъжиза хотирани худди Шарафиддин Али Яздий билан бўлган тотли учрашув каби доимо ҳайрат билан эслаб юради.

Тўртинчи диалог энг шиддатли, энг кескин характерга эгадир. Унда ҳикоячи суҳбатдош энди аввалги диалоглардаги сингари ўқувчисига мурожаат қилмайди. Балки Навоий ижодини тадқиқ ва тарғиб қилган олим билан жиддий мунозарага киришади. Бу диалогда у гўё ўқувчини бутунлай эсдан чиқаради, бутун диққатини қаршисидаги олимга қаратади ва уни II шахс шаклида - «Сен» деб атайди. Гарчи олимни «Сен» деб аташи бизга бироз эриш туюилса ҳам, унинг тимсолида бутун бир коммунистик мафкура назарда тутилганини инобатга олсак, ҳикоячи Абдулхайрнинг бу беписандлигини кечириш мумкин.

Дастлаб «Бизнинг авлодимиз Навоийни яхши билмайди» дея афсусланган ҳикоячи бунинг сабабини чорак кам бир аср «Ўриб ташлаш ва Бошга тушириш учун» ишлатилган «Ўроқ ва Болға» хизматида кўради. Бир қўлида ўроқ, бошқасида болға кўтарган олим эса бир пайтлар «Навоий - зодагон! Халқдан узоқ» деб ёзган. Ҳикоячи очиқдан очиқ унга «Тилинг кесилсин! Неча аср муқаддам халқим, деб жони ачиган **одамга** тош отасанми?» деб норозилик билдиради. Ёки кейинроқ улуғ шоир ижодини ўрганмасликни асослаш учун «Навоий мураккаб! Тушуниш қийин!» деган гапига жавобан «Ўл-а! У бир куни сенинг саводсиз ва эринчоқ бўлишингни ўйлабмиди?! Тушунмасанг ўқи, ўрган!» дея танбеҳ беради.

Биз ҳикоячи «мен»ни шартли равишда муаллиф деб тасаввур этишга ҳақлимиз. Чунки унинг ҳикоя қилиш ва ёзиш услубигина эмас, балки фикрлаш тарзи ҳам баайни Омон Мухтор услубини эслатади. Ёзувчи “Ффу”, “Аёллар мамлакати ва салтанати”, «Тепаликдаги хароба» романларида баённи қавс ичида берилган изоҳлар билан тўлдириш услубини унумли қўллаган эди. Худди шундай ҳолат «Ишқ аҳли» романи ҳикоячиси Абдулхайр кундалигида ҳам кўп учрайди. Бундай изоҳлар муаллиф фикрининг давомини англатади: «мактабда китоблар арабий ва форсий эди *(Туркийдан ҳар ким ўзича таълим олар, туркий гўёки «уй тили» эди)»*; Изоҳлайди: “Болалар *(ўқувчилар)* ўзларига тегишли сабоқни олиб бақириб ўқишар эди”; унга аниқлик киритади; “У *(муштдек бола)* насрдан баъзан ўқир, назмга кўпроқ қизиқар эди” ва ҳоказо.

Бора-бора бу қавс ичидаги гаплар изоҳлаш вазифасидан чиқиб, ҳикоячининг ўқувчи-суҳбатдошига бевосита мурожаати шаклини олади. Ушбу 4-диалогда автор Навоийнинг “барча асарлари Ёр ҳақида!” эканлигини таъкидлаб, мисоллар билан “исботлаб” беради. Сўнгра ўз фикрларини умумлаштириб, “Демак”, “Ёр қўйида” унинг ёзганлари, асосан: “Оллоҳга, Шоҳга, Чиройли одамга, Гулига бағишланган” деб якунлайди. Қараса, суҳбатдоши (энди олим эмас, ўқувчи)нинг юзида савол аломати пайдо бўлибди. Ҳикоячи-муаллиф унинг айтилмаган саволини эшитади ва овоз чиқариб такрорлайди: “Шу холосми (деяпсизми дегандек - Й.С.)?! Озгина сабр (қилинг - Й.С.)! Гап ҳали тугагани йўқ» (49-бет) дейди-да, мулоҳазаларини давом эттиради.

Бу диалог сўнггида биринчи диалогда ўртага ташланган “Занжирбанд шер” расмининг моҳияти ҳақидаги тугун ечилади. Юқорида айтганимиз-

дек, биринчи диалог охирида ҳикоячи “Бу қандай занжир?! Нима учун у занжирда? Уни занжирга солган ким?!” деган саволлар қўйган, аммо уларни жавобсиз қолдирган эди. Жавобни ўқувчи ҳикоячи-мусаввирдан ана шу тўртинчи диалогда эшитади: “Алишердан ҳеч ким халқ билан бирга, дунёдан изтироб чекиб ўтишни (халқ учун ўзининг ҳатто шахсий ҳаёт0и, ўз бахтидан воз кечишни) талаб қилгани йўқ! Унинг ўзи шу “қаттиғ” йўлни танлаган. У ўзини “жиловлаган” холос!

Дарвоқе...

“Занжирбанд шер”.

Мана, энди бу расмнинг маъносини англадим” (60-бет).

Битта тугун ечилди, ўқувчи қалбига ёруғлик тушди. У қониқиш ҳосил қилди. Охирги-бешинчи диалог қолган барча тугунларнинг ечимини беради. Бу диалогда сиртдан қараганда бутун гап гўё Ҳусайн Бойқаро тўғрисида боргандек туюлади. Аслида эса темурийзодалар орасида энг узоқ муддат мамлакатни бошқарган Бойқаро ўз фаолиятида кимга таянди? Кимнинг кўмаги билан бошқарди? Яхши биламизки, унга қарши фақат қариндош-уруғларигина эмас, балки ўз фарзандлари ҳам тўхтовсиз кураш олиб боргандилар. Диалогдан маълум бўлишича, Ҳусайн Бойқаронинг ягона таянчи, ишонган тоғи Алишер Навоий эди! Шоир вафотидан кейин Бойқаро салтанатида ҳам парокандалик бошланади.

Романда бундан ташқари яна бир эпистоляр нутқ шакли учрайди. У ҳам бўлса воқеаларда мутлақо қатнашмайдиган “касби ҳисоб фани бўлган” Одил исмли йигитнинг суюклиси Барно билан хат орқали олиб борган мулоқотидир. Асарда Одилнинг тўртта мактуби берилган бўлиб, учтаси Барнога, биттаси – сўнггиси дўсти Холидга ёзилган. Хат аслида диалог асосига қурилган. Бинобарин, хатда суҳбатлашаётган томонлардан бирининг ички ва ташқи қиёфаси, характери намоён бўлади. Одилнинг мактубида эса биз биратўла икки киши – ҳам Одил, ҳам Барнонинг ички олами, бир-бирига муносабати билан танишамиз. Рассом Абулхайрнинг Навоий ҳақидаги дафтарлари туфайли улар бир-бирларини янада яхшироқ билиб оладилар ва ҳақиқий ишқ аҳли қаторига қўшиладилар.

Шуниси борки, бу мактуб-диалогларнинг вазифаси фақат асар композициясини тўлдириш, бўлимларни бир-бирига боғлаш, дафтар-диалогларнинг қай тарзда яратилганлигини изоҳлашдангина иборат эмас. Романнинг “Армон” деб номланган учинчи бўлимида бу мактубларнинг яна бир хизмати маълум бўлади. Бу мактубда Абулхайрнинг дафтарлари баҳонасида умуман асар услубига аниқлик киритилади. Ёзувчи О.Мухтор Одил тилидан “... бу дафтарлардаги ёзувларни адибларнинг асарлари ёки олимларнинг китобларига қиёслаш унча тўғри эмас. Буни бир кишининг, рассомнинг кузатишлари деб қабул қилган дуруст» дейди(61-бет). Демак, муаллиф ҳамма нарса мен ёзгандек бўлган, деган даъводан йироқ. Яна Одилнинг сўзига қулоқ солайлик: “Рассом (демак, ёзувчи - Й.С.) асосан, Навоий расмини (ёзувчи эса шоир образини, қиёфасини - Й.С.) қай тарзда чизиш (яратиш, тасвирлаш - Й.С.) устида бош қотирган. Менимча, унинг (ёзувчининг - Й.С.) ёзганларини шу йўлдаги изланиш деб тушуниш керак. У нималарнидир англаб-англамаган бўлиши ҳам мумкин! Навоий шундай бир зотки, уни бир умр ўрганмай илож йўқ...”(61-бет).

Маълум бўлишича, Абулхайр ўз кундаликларини жияни Холидга қолдирган. Ундан ҳисобчи-мутахассис Одил баҳраманд бўлади ва севгилиси Барнога илинади. Шундай қилиб, ўқувчи кундаликни бевосита эмас, балки билвосита – Барнонинг нигоҳи орқали қабул қилади. Кундаликда ифодаланаётган воқеалар билан ўқувчи ўртасида Холид – Одил – Барно турибдилар. Уларнинг дастлабки иккитаси ахборот етказувчи, учинчиси эса мутолаа қилувчидир. Ўқувчи воқеаларни ана шу мутолаа қилувчи Барнонинг нигоҳи орқали қабул қилади ва идрок этади. Рассом Абулхайрнинг Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги ҳикоясини ўқишда Барнонинг овозини эшитмаймиз. Ҳатто кундалик муаллифи Абулхайр ҳам кўпинча ўзини четга олади. Лекин барибир, кундаликни ёзаётган Абулхайрнинг овози, воқеалар ҳамда шахсларга муносабати сезилиб туради. Эпистоляр усулнинг бундай кўп қатламли кўринишидан фойдаланиш ёзувчи О.Мухторнинг юксак маҳоратидан далолат беради.

Хуллас, сўнгги йиллар ўзбек адабиётида унумли қўлланилаётган эпистоляр нутқ шакли бадиий асар тили қамровининг адабий ва шева элементлари билан янада бойишига, қаҳрамонлар ички дунёсининг чуқурроқ очилишига, воқелик реаллиги ва ранг-баранглигини таъминлашга катта имкониятлар яратмоқда. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш ёзувчилар маҳоратига боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим.

Адабиётлар:

1. Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. - М., 1972.
2. Федоров А. Язык и стиль художественного произведения.- М.-Л., 1963.

3. Мамажонов С. Ғафур Ғулом прозаси.- Т.: Фан, 1966.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10-ж.- Т., 2005.
5. Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар. Роман.- Т.: Шарқ, 1994.
6. Ёқубов О. Диёнат. Роман.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1978.
7. Ёқубов О. Оққушлар, оппоқ қушлар.- Т.: Адабиёт ва санъат,1988.
8. Ёқубов О. Адолат манзили. Қиссалар, ҳикоялар, эссе.- Т., 1996.
9. Мухтор О. Навоий ва рассом Абулхайр. Романлар.- Т.: Шарқ, 2006.

2014 йил 16 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)